



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 1 январь, № 1-2 (4664-4665)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадри дўстлар!
Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларни, бугун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2009 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

2008 йил ўз пўнига етиб бормоқда. Айтиш керакки, яқунланаётган йил мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида захматкаш деҳқонларимиз учун жиддий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда кундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик.

2008 йилда вуждга келган ва тобора кучайиб бераётган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли фаровонлигига хавф туғдирмаслик мақсадида ўтган давр мобайнида ўта зарур дастурларни амалга оширишга тўғри келди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муаммо ва қийинчиликларга қарамастан, 2008 йил мобайнида иқтисодиётимизни боқичма-боқич ривожлантириш ва халқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш йўлида салмоқли натижаларга эришдик.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиздан кам бўлмаганини, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори эса ўртача 2 баробар ортганини, қишлоқ аҳолисининг даромадлари сезиларли даражада кўпайганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёридан ошмагани, янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа обектларини қуриш ва модернизация қилиш ишларининг кўлами кенгайиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб бораётгани, албатта ҳаммамизга кўнрақ ва гурур бағишлаши табиийдир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган марраларимизнинг асосий мезони ва омиллари ҳақида гапирганда, авваламбор кўйидаги масалалар хусусида сўз юритишни ўринли деб биламан.

Биринчидан, бундай улкан ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва этниконидан қатъий назар, барча инсонларнинг азму шижоати, уларнинг ўз келажаги бўлган мустақам ишончи, қўриқчида ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар



ва фуқароларро тотувликни сақлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати натижасидир.

Иккинчидан, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш бўйича чуқур ўйланган ислохотлар сиёсатини изчил амалга ошириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик институтларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасидир.

Учинчидан, бундай натижалар — мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизга берилган катта эътибор, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган улкан ишларимизнинг ёрқин намоёни, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, Қадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юртлирини, янгитдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгилаш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган тоқ маънадога ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

Тўртинчидан, бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки — ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз ватандошларимга мавжуд муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтиш борасида кўрсатган ғайрат-шижоатингиз, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини таъминлашдаги фидокорона меҳнатингиз учун чин қалбимдан самимий ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадри дўстлар!
Мана шундай шукўхли дамларда, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз кириб келаётган янги — 2009 йилда ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхшироқ бўлишини, ўз қобилият ва имкониятларимизнинг янада тўлиқ рўёбга чиқишини, барча эзгу орзу-умидларимиз амалга ошишини ният қиламан.

Бугун, 2009 йил оstonасида туриб, янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, бошлаган ислохот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқироз

га қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириб бориш йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Биз 2009 йилни юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилдик. Шу борада ўз олдимизга қўйган асосий мақсадлар — аввало қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустаҳкамлаш, мухтасар айтганда, қишлоқларимизда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган илҳам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган 2009 йилда амалга ошириш кўзда тутилган чуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замирида **қишлоқ тараққиёт йили, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади**, деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир, десак, ўйлайманки, халқимизнинг фикри зикрини ифода этган бўламиз.

Айнан ана шундай мақсад ва ваъдаларни амалга ошириш ҳисобидан биз пировард натижада юртимизнинг янада гўзал қиёфа касб этиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалиши, мамлакатимизнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли ва мустақам пойдевор яратишга эришамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!
Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2009 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Илҳам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

2009 йил кириб келиши муносабати билан мамлакатимиз Президенти Илҳам Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан халқимизга тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, раванг ва фаровонлик тилаб эзгу ниятлар изҳор этилган самимий қутловлар келиб турибди.

Жумладан,

- Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бosh котиби Пан Ги Мун;
- Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ II;
- Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Владимир Путин;
- Япония Bosh вазири Тарo Асо;
- Испания ҳукумати Раиси Хосе Луис Родригес Сапатерo;
- Эрон Илҳам Республикаси Президенти Махмуд Аҳмадийнежад;
- Жазoир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика;
- Латвия Республикаси Президенти Валдис Затлерс;
- Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус;
- Канада Генерал-губернатори Мишель Жан ҳам ўз табрикномаларини йўлаган.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

Юксак ишонч масъулияти

Ҳар бир йил инсон ҳаётида муайян из қолдириши, шубҳасиз. Шу нукта назардан қараганда, Ёшлар йили коллежизми, шахсан ўз ҳаётимизда ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлади.



Ўтган йили барча шарт-шароитларга эга бўлган 585 ўринли ўқув биноси ишга туширилди. Унда замон талабига мос даражасидаги лаборатория, компьютер синфлари, лабораториялар, ўқув-амалиёт хоналари мавжуд. Эндликда педагоглар салоҳиятини янада юксалтириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтказиш, услубий ва ахборот технологиялари таъминотини яхшилаш, таълим тизимига оид меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиш ва уларни ўқув жараёнига таъбиқ қилиш учун кенг имконият эшиклари очилди.

Фахр

Шуни алоҳида айтишни истардимки, коллежда таълим олувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, касбга ўргатиш, янги касбий таълим ва тарбиянинг ўзвийлигига эришишдек масалалар ўз ечимини топган. Айни ушбу ишлар самарадорлигига эр шийда коллежда ташкил қилинган Васийлик кенгашининг муҳим ўрни бор. Ушбу кенгашнинг самарали фаолияти ўларoқ, битирувчи-

ларнинг 77 фоизи иш билан таъминланди, 22 фоизи ўқув юртлирида таҳсил олмақда.

Ўтган йилги эсда қоларли воқеалардан бири меннинг камтарин меҳнатим Президентимиз томонидан юксак даражада эътироф этилганидир. "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган номнинг масъулияти янада юксак ва залворлироқ бўлиши, шубҳасиз. Бу нафақат таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизни, балки Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатидаги фаолиятимни янада самаралироқ юритишимга куч-қувват бермоқда. Уйлайманки, буларнинг барчаси 2009 йилдаги режаларимиз — таълим ва тарбия сифатини ошириш, пишиқ ва пухта қонунлар қабул қилиш ҳамда уларнинг турмушимиздаги самарадорлигига эришиш йўлидаги ишларимизга қанот бағишлайди.

Эгамжон КАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Урганч автомобиль ва йўллар коллежи
директори, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Болажонларнинг севимли байрами

Айни кунларда жойларда ўтаётган аънавий "Президент арчаси" табдилари болажонларга битмас-туганмас шодлик бахш этаётир.

Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб палас» меҳмонхонасида ўтказилган байрам тантаналарига вилоятдаги меҳрибонлик уйлари, «SOS» болалар маҳалласи тарбияланувчилари, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган осойишталик қосбонларининг фарзандлари тақлиф этилди.

Табдилда сўзга чиқ-

лари даврасида кўшиқ ва шеърлар айтиб, қувнадилар.

— Биз ҳар доим Янги йилни орзиқиб кутамиз, — дейди «SOS болалар маҳалласи» тарбияланувчиси Феруз Муртазоев. — "Президент арчаси" арчаси арчаси арчаси қилиб ўйнаймиз, совгалар оламиз. Бизга ана шундай гамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга ташаккур айта-

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлида поездлар қатновини янада яхшилаш мақсадида қўшимча бешта кўприк қуриш режалаштирилган эди. Ана шу кўприклардан икkitаси фойдаланишга топширилди.

Кўприксозлар тўхфаси

Натижада поезд тоғ дараларини айланиб ўтмасдан тўғри ўтгани шубҳасиз бўлади. Массофа 800 метрга қисқарди.

Денгиз сатҳидан 1800 метр балангликда жойлашган бу йўл иншоотлар қурилишини Япониянинг "Shimizu-Nippon Steel Yokogawa" қўшма корхонаси ва Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компаниясининг "Кўприкқуриш" трести мутахассислари ҳамкорликда амалга оширилди. 18 та мураккаб металл конструкциялари 18-20 метр балангликдаги 35 та устунга ўрнатилди.

2009 йилнинг биринчи ярмида яна учта кўприкни ишга тушириш режалаштирилган. Ана шундан сўнг XXI аср мўъжизаси деб ном олган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлида йўловчи ташийдиган поездлар қатнови ҳам йўлга қўйлади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида ташкил этилган арча атрофидаги томошаларда 6,5 мингдан ортиқ ўғил-қизларга байрам совгалари топширилди.

Арча атрофидаги томошалар

Тўхфаларнинг энг қадрлиси Президент совгалари бўлди. Уни қабул қилиб олган 319 нафар болакайнинг юз-қўлида қувонч порлади. Шунингдек, биргина Наманган шаҳрининг ўзида ўрнатилган 31 та байрам арчаси атрофида тўпланган имкониятлар халқ таълим муассасалари,

маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг совгалари билан сийландилар. Вилоят марказидаги Алишер Навоий номидаги театр биносига эса ўн кунлик арча байрами шодибаналари давом этади. **К. НАЖИДДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.



АЙЁМ ШОДИЁНАЛАРИ

Нукус шаҳрининг бosh майдонига ўрнатилган арча атрофида болажонларга Президентимизнинг байрам совгалари топширилди. Тантанали табдилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев Юртбошимиз раҳномалиги-

да баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юртди. Аънавий "Президент арчаси" табдилари давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган эътибори ва гамхўрлиги ифодаси эканини таъкидлади. Кам таъ-

Қишлоқ ҳўжалик техникаларини таъмирлайдиган ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган "Хоразмхусу-тузатиш" очик акциядорлик жамияти жамоаси 2008 йилни муваффақиятли якунлади.

1 миллиард 304 минг сўмлик маҳсулот

Корхонада шу кунгача 1 млрд. 304 минг сўмликдан ортиқ 500 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшимча 30 та янги иш ўринлари яратилди. Яқиндан бошлаб бу ерда "ПГ-25" русумли сув насослари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

миланган, боқувчисини йўқотган ҳамда қўп болали оилалар фарзандларига Юртбошимизнинг байрам совгалари берилди.

Беғубор болаларнинг бетакрор дамларини бошдан кечираётган болажонлар кўнглини шодликка тўлиб, ям-яшил арча атрофида Қорбобо, Қорқиз ва турли эртақ қаҳрамонлари билан бирга рақс тушдилар. Ватан, болалик ҳақида қўшиқлар янгради.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎзА мухбири.

ВАТАНИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ОМОН,



Мустақиллигимизнинг ўтган ўн етти йилли давомида Президентимиз ташаббуси билан ҳар битта йилга ном қўйилиб, ижтимоий ҳаёт соҳаларини изчил ривожлантиришга навбатма-навбат алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мана,

2009

йил ҳам кириб келди. У юртимизда "Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди. Нега янги йилга шундай ном берилди? Бу, Президентимиз томонидан чуқур мушоҳада этилиб, айна вақтида тўғри белгиланган қарор бўлди.

Хаммаимизга маълум, 2008 йилда Америкада бошланган иқтисодий инқироз дунёнинг кўплаб жойларда акс-садо берди. Президентимизнинг Конституциянинг 16 йиллигига бағишланган тантанавий маърузасида айтилганидек, "...Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис, глобал молиявий инқироз ва, биринчи навбатда, унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самардорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди". Жумладан, бугун катта инқирозга учраган жаҳон бозорига озиқ-овқат ма-

сулотлари нархи ўсиб бораётгани ҳаммага таъсир қилмай қолмайди. Масалан, бугуннинг баҳоси халқаро бозорда 2006 йил билан таққослаганда 2 марта, сабзавот ва полиз экинлари баҳоси 2,5

кўпайиб, ҳалол меҳнатчилик ҳўжалиги экинларини, дастурхонимизнинг кўрки бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини, саноат корхоналари учун хом ашёни кўпайтириш назарда тутилган. Ҳақиқатан ҳам, деҳқоннинг қадок қўллари, ҳалол меҳна-

миз чекига дунёдаги энг баракатли, суғориб экиладиган гўзал маскан насиб этган. Ер эса фақат унинг тилини биллиб, куну тун бетинини ишлаган одамгагина баридидаги тилсимларни очди. Бозордаги пештахталарни тўлдириб,

Мустақиллик йилларида фермер нималарга қодир эканлиги яққол намоян бўлди.

— 1930 йиллар қатагонидан қочган Зайратдин маҳсум деган бобомиз араб юртида кўним топибди, — дея эслай-

бўлиб ишлаб келди. "Ҳозир не ишнинг бошидасан? Фарзандларинг нима қилапти?" деб сўрадим.

— Тўнғич ўғлим юрист. Тошкентда ишлапти. "Қиз бола бировнинг хасми" деганларидай, икки қизим Нукусда, уйлхўйли. Қолган икки ўғлим овулда фермер. Мен ўшаларнинг маслаҳатчи-агрономиман. Агроном қишлоқда жуда зарур. Юрнинг хизматидан қочган эмасман. Ёш фермерлардан билганимни амайман. Сўнги 5-6 йилда овулимизда бирортаям фермер инқирозга учраб, ишни тўхтатгани йўқ. "Ога, бунда сизнинг катта хизматингиз бор", деб сўйлашди тўман раҳбарлари.

Бугунги қишлоқларнинг суянчи, ер эгалари, юрнинг ишонган одамлари, мана шундай оддий, бойлигини айтиб ўшиб-тошмайдиган, аммо чет элнинг анов-манов бойларидан қолшимайдиган, "Ватан учун, халқ учун" деган сўзларни кўркакка уриб айтмайдиган, аммо улар учун жонини фидо қилишга тайёр одамлардир.

Янги 2009 йил юртга баракани олиб келисин!

Шароф УСНАТДИНОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат қўрсатган журналист.

мартага ошиб кетди.

"Шубҳа йўқки, — дейди Президентимиз ўз маърузасида, — жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайитириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шартшароитлар мавжуд". Мана шундай энг зарур тадбирлардан бири — қишлоқни тараққий топтириш ва унда фидокорона меҳнат қилаётганларнинг турмушини фаровонлаштиришдир. Шу орқали

ти, манглай тери билан она еримизда етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг

кўрган кўзни қувонтирадиган ноз-неъматларга қараб туриб, уни етиштириш учун деҳқоннинг қанча куч сарфлаганини

ди шўманайлик синфдош дўстим Ривож. — Эсимда, унинг кенжа қизи Зубайда опамиз бизни Арабистондан излаб келди. "Кўзим тиригида сизларни кўрдим, энди армоним йўқ" деб йилглаб юборганди ўшанда опамиз. Ундан "Турмушингиз қандай?" деб сўрадим. "Кичикроқ иккита дўконимиз бор" деганини эшитиб, хусусий дўкон ҳам бўларкан-да, деб хайратим ошганди. Ҳозир бизларда бундай гапни эшитиб, ҳеч ким хайратланмайди. Дўкон нима бўпти, юз гектарча еримиз, пода-пода молимиз бор...

Ривож дўстим бир умр қишлоқда муҳандис-гидротехник

Мухим воқеалар

Президентимизнинг ташаббуси билан 2008 йил "Ёшлар йили" деган ном олд ва шу мақсадда ишлаб чиқилган маҳсуе Давлат дастури асосида йил давомида жуда катта кўламли ишлар амалга оширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Олий Мажлис Сенати маъқуллаган янги Солиқ кодекси 1 январдан кучга кирди. Янги Солиқ кодекси солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш (бир хиллаштириш), мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва муносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишининг амалда сиқовдан ўтган ёндашув ҳамда тамойилларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган.

англаш мушкул. — Ер ўзингича бўлгач, бориб кўргинг келаверар экан, — дейди Ниятбой фермер. —

Истиқлол имкониятлари

2009 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили", деб эълон қилиниши асосий сайловчиси қишлоқ аҳолиси бўлган биз депутатларни бағоят қувонтирди. Чунки мана шу йилда кўнглимизга тугиб қўйган кўплаб ишларни бажариш имконияти туғилади. Янада муҳими, депутатлик масъулияти яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишни ҳам талаб этади.



Зотан, депутат мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган юмушларни адо этиши билан бирга, унга овоз берган сайловчи олдидики мажбуриятларини ёдда тутмоғи, унинг ҳўқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳўмаёт элмоғи зарур. Шунинг учун бўлса керак, ҳар гал сайловчилар билан учрашганимизда, улардан фаолиятимиз учун зарур гоғларни, фикрларни олишга ҳаракат қиламиз, муаммоларини тинглаймиз. Учрашувлар очик, са-

мимий мулоқотлар тарзида бўлгани боис нафақат муаммолар кўтарилади, балки унинг ечимлари ҳам тилга олинади. Бу эса бизни халқ дилига янада яқин ишлашга туртки берапти. Пировардида, анча-мунча йўллар таъмирланди, кўприклар қурилди. Қорабўлоқдан Катта Вахшиворга тоза ичимлик суви қувури тортилды.

Ортада қолган йилга баҳо бераётганда, албатта, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғли са-

марали бўлаётганини эътироф этиш лозим. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари — ўқувчи шифокор, фермеру тадбиркор Истиқлол неъматига ўз ҳаёти мисолида гувоҳ бўлмоқда. Биргина фермер ҳўжалигимизни мисол келтирсам, 74 гектар ерда узумзору мевали боғимиз бор. 52 нафар ишчимизнинг аксарияти ёшлар: қизикўчан, сергайрат, кўнглини топсанг, тоғни талқон қилади. Янги йилда шу забардаст йигит-қизлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, спорт мажмуи қуриш режаларини тузганимиз. Қолаверса, Истиқлол берган имкониятларни рўйбога чиқаришда халқ ишончига суянамиз ва албатта, улкан ютуқларга эришамиз.

Аҳмад МАЖИДОВ,
Олтинсой туманидаги "Янги турмуш" фермер ҳўжалиги бошлиғи, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши депутати.

Сараларнинг сараси

Самарқандда Янги йил шодиданларига миллий қадриятлар, азалий удумлар улуғланган қатор тадбирлар қўшилиб кетди. Улардан бири, кўпчиликнинг эътиборини тортган "Самарқанд воҳосининг ошпазлари ва қандолатчилари" кўрик-танлови бўлди. Вилоят ҳўкимлиги, маънавият ва тарғибот маркази ҳамда ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган мажмур танловда барча туманлар ва шаҳарлардан келган ошпазлар, қандолатчилар ўзларининг турли-туман сара таомлари, ширинликлари билан қатнашдилар.

Танловда уруғлик Самжон Рофиев "Энг моҳир ошпаз" деб топилди. "Энг моҳир қандолатчи" номинацияси бўйича эса гоғлиблик Самарқанд шаҳридаги "Ширин дунё" қўшма корхонаси жамоасига насиб этди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

.....
Хар гал йил поёнига етгач, табиийки, босиб ўтган йўлимизга назар ташлаймиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Шунинг ёруғ юз билан айтишимиз мумкинки, 2008 йил корхонамиз жамоаси учун муваффақиятли кечди.

Жамоамизнинг руҳи баланд

Хусусан, йил бошида вилоят ҳудудидаги газ конларидан 29 миллиард 600 миллион кубометр табиий газни қайта ишлаш учун қабул қилиб олгандик. Уни тозалаб, халқ ҳўжалиги ва аҳоли истеъмолли учун қўнатишга тайёрлаш жараёнида 446 минг тоннадан ортиқ барқарорлаштирилмаган газ конденсати, 235 минг тонна олтингургут ажратиб олишга эришдик. Бундан ташқари корхонада 16155 тоннадан зиёдрок сувольтрилган газ ишлаб чиқарилди.

Шуни алоҳида қайд этиш ҳоизки, бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу икки минг кишилик аҳил жамоамизнинг фидокорона меҳнати, изланишлари самарасидир. Ишлаб чиқариш цехларини модернизациялаш, янги замонавий

техника ва технологияни жорий этишга катта эътибор қаратганимиз ишга ижобий таъсир кўрсатди. Айна пайтда газчиларимизнинг руҳи баланд, режаларимиз эса бисёр. Зеро, жамоамиз аъзолари Янги йилни ана шундай кутаринкилик, янгидан-янги режалар билан бошламоқда. Бу эса қалбларимизга ҳарорат бағишлаши, вужудимизда битмас-туганмас ғайрат-шиқоат уйғотиши, шубҳасиз.

Ифтихор

Қобил МўМИНОВ,
«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонасининг цех бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони.



2008 йилда нималар ёдингизда қолди?

Исахон БАҲРОМОВ,
Ангор туманидаги "Соқидосирхон" фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Эҳ-ҳе, қайси бирини айтмай? Ишонинг, фақат шу бир йил ҳақида гапирган тақдиримда ҳам саволингизга лўнда жавоб беришим қўйин. Ҳаётимда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Шулардан энг эсда қоладигани, сўзсиз, Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони", деган юксак унвонга сазовор бўлганим. Узимга аён, ўшанда бу хабарни эшитдим, кўзимни бир зумга юмиб, ўтказган умримни хотирладим. Илгари деҳқонга қилинган совуқ муносабат билан ҳозир кўрсатилаётган эътибор ҳаёлимдан ўтди. Елкамдан худди оғир бир юк қулаб тушгандек бўлди, ўзимни ёнғил ҳис қилдим. Ёшаргандекман... 214 гектар ердан 400 миллион сўмдан ошмирок даромад олдик. Ишчиларимизнинг ойлик маоши қарийб 300 минг сўмга етди. Ишимиздан, эришган натижаларимиздан ҳаммаимизнинг кўнглимиз тўқ, хурсандимиз. 2008 йил шундай қувонарли воқеалари билан ёдимизда қолди.

Малика БОЙСУПОВА,
Олмалик шаҳар марказий шифохонаси ҳамшираси:

— Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганда қанчалик қувонагимизни билсангиз эди. Чунки бу ҳўжжатда биз каби ёшларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш вазифаси белгиланган бўлган. Имкониятдан фойдаланиб, уй сотиб олиш мақсадида "Ипотeka банк"ка муурожаат қилдик. Қўп ўтмай истагимиз қондирилди — банк томонидан 14 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб берилди. Ана шу маблағга барча қўлайликларга эга уч хонали уй харид қилдик. Хурсандчилигимизнинг чек-чегараси йўқ эди. Табиийки, бундан дўст биродарлар барчаси келиб қутлашди. Ахир, ёш оила учун бундан ортиқ тўхфа бўлиши мумкинми?

Ўтган йил ҳақида гапирганда, аввало ана шу воқеа ёдимга келди. Давлатимиз раҳбарининг бизларга кўрсатган эътибори ва ғамхўрлигининг барчамиз миннатдоримиз. Ниятимиз, ҳалол меҳнатимиз билан билдирилган ишонччи оқлаш ва юртимиз равақига муносиб ҳисса қўлиш.



Тадбир
Жиззах шаҳрида байрам тантаналари ўтказиладиган масканлар қаторига Ёшлар шаҳарчаси ҳам қўшилди. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида бунёд этилган шаҳарча аини кунларда Янги йил байрами иштирокчилари билан гавжум.

ЁШЛАР ШАҲАРЧАСИ

— Бу ерда кўнглили ҳордик чиқариб, бўш пайтимизни мазмуни ўтказиш учун барча қўлайликлар мавжуд, — дейди Жиззах давлат педагогика институти талабаси Нурали Рўзиев. — Айнакча, улкан арча атрофидаги Янги йил байрами томошалади дилга завқ бахш этмоқда. Шунингдек, шаҳарчада жойлашган "Ёшлар маркази", "Замона ёшлари" бизнес-маданият маркази ва "Ёшлар сайилгоҳи"да ҳам қизикarli тадбирлар ўтказилмоқда. "Ором", "Боғишамол" сайилгоҳлари, "Истиқлол" болалар боғи, Жиззах педагогика касб-ҳўнар коллежи хиёбонида ҳам Янги йил айёми кўнлари шаҳарликлар ва меҳмонларнинг сайр қилиб, дам олиши учун барча зарур шароит яратилди. Сайилгоҳларда намойиш этилаётган қизикarli байрам томошалари, концерт дастурлари барчага манзур бўлмоқда. — Яна бир янги йил оstonасида турибмиз, — дейди бахмаллик Усмон Акрамов. — Шаҳримизнинг ободлигини кўриб, кўз қувнади. Ёшу кексада кўтаринки кайфияти, тинч, осуда кўнларга шўкроналик ва мамнулик ҳиссини сезасан. Насиб этса, Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йилида юртимиз янада обод, байрамларимиз янада шўкулли бўлади.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Эзгу ниятларимиз бардавом бўлсин!

Яқунланган йил кўпчилик қатори менинг ҳаётимда ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди.

Бизнинг жамоа аъзолари мамлакатимиз ҳудудидаги тарихий-меъморий иншоотларни таъмирлаш, шарқона услубда безаш билан шўғуланамиз. 2008 йилда бебаҳо тарихий обидларимизни қайта тиклаш, таъмирлаш, айнакча, болалар ҳамда муруват уйлари замонавий услубда безашга алоҳида эътибор бердик. Хусусан, Яйпан шаҳридаги XIX асрда қурилган масжидни таъмирлашга ҳисса қўшдик. Қўқон шаҳридаги меҳрибонлик уйларидан бирида "Уста-шоғирд" аънаси асосида меъморилик сирларини болаларга ўргатаймиз. Юртимиз мустақилликка эришгандан бери дилимга бир ниятни тугиб қўйгандим. У ҳам бўлса, юртимиз истиқлолининг 18 йиллиги нишонланадиган кўнларга атаб, 18 метр баландликдаги шарқона меъморилик услубларининг энг нобҳ жихатларини ўзида акс эттирган "Эзгулик устуни"ни яратмоқчиман. Айна пайтда бу борарда изланаймман. Ниятим, элимиз ҳамиша меҳрдан, эзгулик ва пок ниятлардан баҳраманда яшайверсин!

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ўймакор уста.

қисмининг олтинчи хатбошидаги «рўйхатга олиш йўғим» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги 554-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 4-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

13-модданинг олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Антидемпинг божи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишидан қатъи назар қўлланилади»;

19-модданинг олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Компенсация божи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишидан қатъи назар қўлланилади».

35-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрда қабул қилинган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги УРҚ-55-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 497-модда) 5-моддасининг иккинчи хатбошидаги «солиқлар, йўғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майда қабул қилинган «Ҳомилийк тўғрисида»ги УРҚ-96-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 218-модда) 16-моддасининг иккинчи қисмидаги «солиқлар, йўғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

37-модда. Ушбу Қонун 2009 йил 1 январдан эътиборан қўлдан киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 31 декабрь № УРҚ — 197

24

Бўқлаш чизиғи

Бўқлаш чизиғи

Бўқлаш чизиғи

Бўқлаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши мүнсабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида «Хақ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2009 йил

Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, қўрсатилган хизматлар ҳажмининг назорат ўлчовларини ўтказиш;

кассаларни ҳамда товар-моддий бойликлар ва ҳужжатлар (шу жумладан электрон тарзидаги) сақланган жойларни муҳраб қўйиш;

солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ҳужжатларни (кўчирма нусхаларни, шунингдек асл нусхаларни), шу жумладан электрон ҳужжатларни, шунингдек предметларни (товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини) олиб қўйиш, бундан солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ҳамда предметлар мустасно. Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади;

солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушуниришни олиш;

тархимошни, экспертиза жалб этиш ва экспертиза тайинлаш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузиллишлари бартаф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

3) савдо, товарларни бериш ва пуллик хизматлар қўрсатиш қоидаларига, шунингдек нақд пул тушунирини банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш;

4) солиқ текширувлари ўтказилаётганда фискал хотирални назорат-касса машиналарида сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш;

5) солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлган солиқлар суммасини солиқ тўловчи тўғрисидаги, шунингдек унга ўхшаш бошқа солиқ тўловчилар ҳақидаги ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳисоб-

12

Бўқлаш чизиғи

Бўқлаш чизиғи

Бўқлаш чизиғи

Бўқлаш чизиғи

қитоб қилиш орқали мустақил равишда аниқлаш;

6) солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқларни ҳисоблаб ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта қўриб чиқиш;

7) солиқларни ундиришга доир вазифаларни амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотларини солиқларнинг тўри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши юзасидан назорат қилиш;

8) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўқсизлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларнинг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиши объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни қўздан кечирishi учун кириши рад этилган, шунингдек молиявий ва солиқ ҳисоблари тақдим этилмаган ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриши юзасидан суд тартибда чоралар қўриш, бундан жоний фаолиятдан олинган даромадларини легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари мустасно;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда: солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни қўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш. Ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари суд тартибда қўлланилади, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрол бўлган ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно;

мамурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ва мамурий жазо чораларини қўллаш;

10) солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат даромадига ўтказиш. Солиқ тўловчилар – юридик шахсларнинг, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибда амалга оширилади;

11) солиқ тўловчиларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъволар қўзғатиш;

12) солиқ тўловчи мажбуриятини бажариши зарурлиги

13

эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-И-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; № 9, 494-модда; № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда);

20-моддасининг иккинчи қисмидаги «солиқлар, йўғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

40-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги «йўғимларни» деган сўз «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

42-моддасининг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида мубофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёزلарни белгилайди»;

43-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошидаги «йўғимлар» деган сўз «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги 158-И-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда; № 9, 420-модда; № 12, 601-модда) 7-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида мубофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар микдорларини белгилайди, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёزلар беради».

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги 312-И-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 12-модда; 2003 йил, № 9-10,

22

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 429-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) 17-моддасининг иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

ичкинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги 846-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда) 14-моддасининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«коммунал хизматлар ҳақини ва сугурта бадалларини тўлаш бўйича, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёزلардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда; № 9, 420-модда) 24-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонунларга мубофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар микдорларини белгилаш, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёزلар бериш».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги

3

«Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибда худудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ тўловчилар — юридик шахслар, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширувини ва молия-ҳўжалик фаолияти тафтишини амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлими, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлими тuzилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига амал қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат бошқарув органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мубофиқ амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча солиқ тўловчилар — юридик шахслар, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслар бўлиб, республика бюджетни маблағлари ҳисобидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гебининг тасвири туширилган ва ўз номи билан муҳрга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тuzилмаси, унинг ходимлари чекланган сон билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекцияларининг манауви тuzилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамаси томонидан тасдиқланади»;

4) 4-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вази-

10

қўриқлардан ҳужжатларини ҳимоя қилиши;

3) солиқ тўловчилар, солиқ солиши объектлари ва солиқ солиши билан боғлиқ объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этилишини юзасидан назоратни таъминлаш;

4) солиқ текширувлари ўтказилаётганда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини маълум қилиши, шунингдек текширишларни тартибга солишга доир қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

5) солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисида маълум қилиши;

6) солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўз вақтида етказиши;

7) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини йўғиши, таҳлил этиши ва баҳолаши ҳамда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шартитларни бартаф этиш тўғрисида тегишли органларга тақлифлар киритиши;

8) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узок муддатли ва жорий дастурувларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

9) солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризаларни, хабарлар ва бошқа ахбороти текшириши;

10) давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мерос ҳуқуқи бўйича ўтган хазиналар ва мол-мулкнинг ҳисобини юритиши, уларни баҳолаши ҳамда уларнинг ўтказилишини назорат этиши;

11) давлат даромадига ўтказилган мол-мулкнинг реализация қилинишидан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушиши юзасидан назорат олиб бориши, шунингдек давлат органларига текин ўтказилган мол-мулк ҳисобини олиб бориши;

12) масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиққан ҳолларда, қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларига доир материалларни прокуратура, ички ишлар, милий ҳавфсизлик хизмати органларига ва судларга топшириши;

13) валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини

15

«Чет эллик инвестор, чет эл инвестициялари иштирокчиди қорхона чет эллик ходим доимий яшайдиган мамлакатдаги тегишли фондларга шу ходим учун пенсия таъминоти тўловларини ўтказиши».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги 611-И-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 93-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 310-модда) 3-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«чет эллик инвесторга тўланадиган дивидендлар тарзида олиннадиган даромаддан бўйича фойда солиғи микдорининг (ставкасининг) қўйилтирилиши».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713-И-сонли Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда) 8-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошидаги «солиқлар, йўғимлар ва бошқа тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-И-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12,

20

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 18-модда; № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда; № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда; № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар; № 6, 248-модда; № 9, 416, 422-моддалар; № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар; № 7, 352-модда; № 9, 485, 487, 488-моддалар) 184-моддасининг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«184-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш»;

биринчи қисми диспозициясидаги «солиқларни, йўғимларни, бож ёки бошқа тўловларни» деган сўзлар «солиқларнинг ёки бошқа мажбурий тўловларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи қисмлари диспозициясидаги «Солиқ ёки бошқа тўловларни» деган сўзлар «Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «солиқлар ва бошқа тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

5

229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда) 38-моддасининг олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банклар ўз миқдордан бўлган корхоналарининг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ва тўри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан тақдим этади».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-И-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; № 9,

ҳақида ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан қўрилган чоралар тўғрисида талабнома юбориш;

13) солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, солиқларнинг ортинча тўланган суммаларини бошқа турдаги солиқлар бўйича солиқ қарзини, пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида тегишли молия органларига мустақил равишда ҳулоса тақдим этиш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган ҳолларда, агар ҳужжатлар чет тилида тузилган бўлса, уларнинг нотариал тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимасини талаб қилиш;

15) тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг ҳаққий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;

Учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ушбу модда биринчи қисмининг 1-7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига, 8-15-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса, фақат давлат солиқ хизмати органлари бошлиқларига ва уларнинг ўринбосарларига берилди»;

6) 6-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари:

1) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириши, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

2) солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан

фалари қуйидагилардан иборат: солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчилари идентификация рақамларининг ягона реестрини юритиш; солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбурийларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

5) 5-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларда (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларда) муқобил текширувларда молиявий ҳужжатлар, шартномалар (контрактлар), режалар, сметалар, даромадлар ҳақидаги декларациялар ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан электрон ҳужжатларнинг, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларнинг текширувларини ўтказиш;

2) солиқ текшируви ўтказётганда: даромадлар олиш учун солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ ҳудудни, ишлаб чиқариш бинолари, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан жойларни қўздан кенчириш;

11

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги» 223-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) 11-моддасининг ўнинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамоат бирлашмаси уставини, унга киритилган кейинги ўзгартишлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган микдорда давлат божи ундирилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» 289-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 618-1-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 99-модда) 11-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошидаги ва учинчи қисмининг еттинчи хатбошидаги «рўйхатта олиш йўлими» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2

149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

14-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатлари назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар»;

20-модданинг биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Инвестор битимнинг амал қилиш муддати ичида, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар турларини истисно этганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди»;

учинчи — ўнинчи қисмидаги чикариб ташлансин.

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисидаги» 355-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 15, 55-модда) 4-моддаси:

учинчи қисмининг саккинчи хатбошидаги «рўйхатта олиш йўлими» деган сўзлар «давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи микдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Кредит уюшмасига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди».

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисидаги» 527-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 592-модда) 14-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошидаги ва учинчи қисмининг олтинчи хатбошидаги «рўйхатта олиш йўлими» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23

14

11

2

23

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

амалга оширишнинг белгиланган тартибига солиқ тўловчилар — юридик шахслар, яъна тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириши;

14) солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ сир тутилишига риоя этиши;

15) ўз бўйсунувидagi бўлинмалар фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

16) солиқ тўловчининг талабига биноан солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбурийатларининг икром этилишига доир солиштирма далолатнома тузиши;

17) солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг қўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юбориши;

18) ортинча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига солиқ тўловчининг аризасисиз мустақил равишда ҳисобга олиши ҳамда бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда солиқ тўловчининг ёзма равишда хабардор этиши;

19) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириши;

20) ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказишни лозим бўлган суммага қаратиши;

21) юридик ва жисмоний шахсларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларини, яъна тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга қўйиши, шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларига иктомий сўғурта бадаллари тўловчилари сифатида (тегишли давлат мақсадли жамғармалари тўловчилари бўлган субъектлар учун) ҳисобга олиши, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериши ҳамда бу рақамни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилиши;

22) давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турмаган солиқ тўловчилар аниқланган тақдирда, уларга белгиланган тартибда ҳисобга туриш тўғрисида талабнома тақдим этиши;

23) жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча ма-

25 апрелда қабул қилинган «Шахар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги 419-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 490-модда) 17-моддаси чикариб ташлансин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 474-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 5-6, 102-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; № 9, 312-модда; № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг (бундан буён матнда солиқлар деб юритилади) бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадларида тузлади»;

2) 2-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади»;

3) 3-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

9

916-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758-I-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда) 12-моддаси иккинчи қисмининг йигирма тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига қўмақлашади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар) 31-моддасининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг таплови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинди».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги 1054-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда) 3-моддасининг еттинчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

4

598-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 2-модда: қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Солиқ текшируви орқали амалга ошириладиган давлат назоратининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 12-модданинг биринчи қисмидаги «текширув ўтказиш мақсади» деган сўзлар «солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширув ўтказиш мақсади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги 719-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 10-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда)

9-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

23-моддасининг биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги 763-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) 22-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошидаги ва бешинчи қисмининг саккинчи хатбошидаги «рўйхатта олганлик учун йиғим» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти

21

16

9

4

21

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

Кирқиш чизиғи

№ 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда) 103-моддасининг 1-бандидаги «солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги 535-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

4-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда давлат кредитларини қайтариш муддатларини санация муддатига узайтириши»;

16-модданинг биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

19-модда учинчи қисмининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қишлоқ ҳўжалиги корхонасининг пул мажбурийлатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга мораторий жорий этилади».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида»ги 600-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 84-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) 24-моддасидаги «бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги 602-I-сонли Қонуни (2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:


1) 214-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга қўра бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади»;

2) 215-модданинг тўртинчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 221-модданинг биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар

ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



Муҳим воқеалар

2 декабрда Президентимиз "Навоий вилоятида эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида" Фармон қабул қилди.

5 декабрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов маъруза қилди. Маърузада янги, 2009 йил "Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди.

Декабрь ойида Навоий конметаллургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан 20 декабрда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий конметаллургия комбинати жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига табриги эълон қилинди.



Туғилган кунга — «Нексия»

Тошкент. Мустақиллик майдони. 2008 йил, 31 декабрь.

Инсон эзгу ниятлар оғушида яшайди. Кўнгилдаги самимият, айниқса, байрам арафасида янада жўш уради. Зеро, истиклол йилларида озод ва обод юртимизда юз бераётган бекиёс янгиланишлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, аини чоғда бу ўзгаришлар оппоқ орзуларимизга юксак парвозлар бағишлайди. Биз шу кунларда Янги йил шодиёналари зўр қувонч билан ўтаётган Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳамюртларимизнинг ана шундай бегубор дил изҳорлари билан ўртолқлашдик.

«Ҳосил байрами»ни нишонлашди

Наманганликларнинг Янги йил тадбирлари вилоят марказидаги отчопарда ташкил этилган «Ҳосил байрами»га улаиб кетди.

Агросоаноат тармоғи меҳнатчиларининг йил якунларига бағишланган ушбу анъанавий тадбири улқ кўпқари томошалари билан бошланди. Маҳоратли чавандозлар "Қиз қувди" ўйинида бир-биридан абжир ва эпчил эканликларини намойиш этишди. Шунингдек, баландликка сақраш, тўсиқни енгиб ўтиш сингари беллашувлар ҳам қизиқарли кечди.

Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозов билан сўз устаси Абдулла Акбаровларнинг чиқиши байрамга янада файз киритди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.




2008 йилда нималар ёдингизда қолди?

— Ўз ижоди билан эл-юрт меҳрини қозона олган санъаткор чинакам маънода бахтлидир. Якунига етиб бораётган йил менга ана шундай саодатли лаҳзаларни ҳада этиди. Зеро, Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлганлигим, ушбу юксак муқофотни Президентимиз қўлларидан олаётган маҳалим кўнглимдан кечган ҳислар бир умр ёдимдан чиқмайди.

Ҳеч бир юртада санъат ахлига биздагидек эътибор ва эъзоз кўрсатилмайди. Халқимиз санъаткорни бошига кўтаради, яхши кўнларини улар билан баҳам кўради. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ижодкорларга бекиёс эҳтиром кўрсатилади.

Мақсадим, бундан кейин ҳам эзгу ният халқимизнинг яхши кўнларида, байрам тантаналарида белни боғлаб хизмат қилсам, дилтортар қўшиқлар яратиб, шу орқали ёш авлод қалбида бебаҳо миллий қадриятларимизга эҳтиром ҳиссини ўйғотишда ҳиссам бўлса, дейман. Шундагина элга нафим теккан, санъаткор сифатида бурчимни оқлаган бўламан!

Маҳмуд НОМОЗОВ, Ўзбекистон халқ артисти.



Чори АШУРАЛИЕВ, жарқўрғонлик фермер:

— Деҳқон боласи эмасманми, ерни яхши кўраман. Ахир, даламга сочилган ризқ билан беш фарзандни воёга етказиб, ўқитиб, ўйли-жойли қилдим. Мана, бугун икки ўғлим ёнимга кириб, фермер ҳўжалигини ташкил этдик. Поллиз экинлари, сабзавот маҳсулотларини етиштиряяпмиз. Тонналаб ҳосил олиб, меҳнатимизнинг ро-



хатини кўраямиз. Энг муҳими, бугун юртимизда фермер тадбиркор, хунарманду меҳнаткаш эмин-эркин фаолият юритиш ҳўқуқига эга. Аввалгидек, топан-тутганингни би-

ровларга қўшқўлаб тулқазадиган замонлар ўтиб кетди. Даромдимизни ўзимиз учун, ўз оиламиз, қолаверса, юртдошлар, элу халқ мафратлари йулида сарф этмоқдамиз. Меҳнат қилиб топан маблағимизни яхши кўнларга, тўю тантаналарга, бугунгидек байрам шодиёна кўнларга харжляяпмиз. Бундан ортқ саодат бормикан?!

Гулчехра ПАРПИЕВА, банк ходими, Тошкент шаҳри:

— Янги йилни бахт оstonаси дейишади. Қаранг, толеи ёруғ эгизак қизларимни олиб, орзу-умидларимиз рамзи — Мустақиллик майдонида келдим. Бу ерда ўрна-тилган улкан арчани кўриб, фарзандларим афсоналар ичига кириб қолишгандай ҳис этишди ўзларини. Минглаб болалар, ота-оналар сайр қилиб, яшнаб юришибди. Қорбоболар, қорқизлар, шўхшодон ўйин қулгулар, нақадар ёқимли, нақадар қувончли. Юртимизга кўз тегмасин. Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Гулчехра ЗОЙТБОВЕВА, Шаҳрихон шаҳри:

— Невараларим мени дунёдаги энг чиройли арчани кўрсатамиз деб кўярда-қўймай олиб келишди. Келдим, ич-ичимдан яна яйрадим. Шунананги бежиларим ясалган каттақон арчани, эртасимон болалар шаҳарчасини умрим бино бўлиб, энди кўришим. Буларнинг ҳаммаси, Президентимизнинг юртимизга олиб келган нурли иқболлари, гўзал орзулари, пок ниятлари мустажаоби. Кеча Шаҳрихондан келаётиб, Мурод Исмоилов деган таксичи йигит кела-келгунча янги йўлларни, водийга тортиб борилаётган улкан газ қувурларини менга кўрсатиб, роса мактанди. Кўшниси Мўхаммаддон ака, бир ой бурун пенсияга чиққанини, тунов кун 300 минг сўм нафақа олиб, қўй сўйганини гапирди. Оғзи қулоғида. Бу менинг мамлакатим, бу менинг Ўзбекистоним, бу менинг Юртбошим дейди, нуқул. Менам, ҳозир ана шундай кайфиятдаман. Невараларимга фаровон, хурсандчиликлар замони келганини айтишдан чарчамайман.

Халима ая ШОДИХУЖАЕВА, Тошкент вилояти, Зангиота тумани:



— Яқунланган 2008 йил фарзандларим учун омадли келди. Икки ўғлим тадбиркорлик билан шуғулланади. Ишлари юришиб, яхши даромад қилишганди, дадаларининг туғилган кунига "Нексия" совға қилишди. Беш фарзандимнинг бари бахтли турмуш кечираётганидан кўнглим тўқ. Ахир, дадаси иккаламиз бир умр ҳалол меҳнат қилиб, фарзанд тарбияладик, ҳаммалари олий маълумотли, етук малакали мутахассис бўлишсин, эл қорига ярашсин, деб ҳаракат қилдик. Мана, энди роҳатиниям кўраямиз, шўкр. Тинч-осойишта ҳаётимизга, бугунгидек бахтиёр турмушимизга кўз тегмасин, дея ҳамиша дуодамиз.

Халима ая ШОДИХУЖАЕВА, Тошкент вилояти, Зангиота тумани: — Яқунланган 2008 йил фарзандларим учун омадли келди. Икки ўғлим тадбиркорлик билан шуғулланади. Ишлари юришиб, яхши даромад қилишганди, дадаларининг туғилган кунига "Нексия" совға қилишди. Беш фарзандимнинг бари бахтли турмуш кечираётганидан кўнглим тўқ. Ахир, дадаси иккаламиз бир умр ҳалол меҳнат қилиб, фарзанд тарбияладик, ҳаммалари олий маълумотли, етук малакали мутахассис бўлишсин, эл қорига ярашсин, деб ҳаракат қилдик. Мана, энди роҳатиниям кўраямиз, шўкр. Тинч-осойишта ҳаётимизга, бугунгидек бахтиёр турмушимизга кўз тегмасин, дея ҳамиша дуодамиз.



Азамат КАМОЛОВ, Ёшлик талабалар шаҳарчасининг «Камолот» ЁИХ етакчилар кенгаши раиси:



— Бугунги байрамона кайфият, юртимиздаги шодиёналар, тўкин-сочинлигу фаровон турмуш — буларнинг бари тинч-осойишта ҳаёт завқи, эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч туфайлидир. Оила аъзоларим, жажжи фарзандларим билан бирга Мустақиллик майдонини сайр этаяпмиз. Улкан арча атрофидаги шоду хуррамлик, ўйин-кулги, сайру томоша, кичкинтойлар қувончи — барчаси дилга хушнудлик улашади. Кўнглимдаги истак шўки, эзгу ниятли элимиз ҳамиша омон бўлсин!

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси

Янги — 2009 йил билан

барча ҳамюртларимизни самимий муборакбод этади!

Мустақил юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳўқм сўрсин!

Янги йил барчамизнинг ҳонадонимизга тўкинлик, қут-барақа олиб келсин!

«Матбуот тарқатувчи» АК — доимо хизматингизга тайёр.

Дил сўзи

ФИДОЙИЛИККА ЧОРЛОВ




2008 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой йил бўлди. Президентимиз Фармонига биноан, "Фидокорона хизматлари учун" орден билан тақдирландим. Ушбу юксак муқофотни Оксаройда Юртбошимиз қўлларидан олганим эса қувончимга қувонч қўшди. Тантанали маросим чоғи бутун яқинларим, ота-онам, менга эзгу истаклар билдирган устозларим кўз унгида намоеён бўлишди. Айни лаҳзаларда ёш авлодга билим ва тарбия берган ўқитувчилар юксак эъзозу эътиборга муносиб қўриладиган бир юртада яшашдек бекиёс бахтни яна бир бор дилдан тўйдим. Зеро, бундай эътибор бизни янада фидойилик билан меҳнат қилишга, изланишга ундайди. Тилагим, она юртимиз келгуси йилда ҳам гуллаб-яшнаувсин!

Ортиқбой ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси телерадиоканал директорининг биринчи ўринбосари Нозим Бобоқонова отаси, Ўзбекистон халқ шоири Рама БОБОЖОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Дил сўзи



Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири:

— Дастурхонларимизни тўкин қилиб келаётган қишлоқ аҳли доимо юрагимнинг тўрида туради. Утган 2008 йилда турли сафарлар баҳонасида кўпгина вилоятларга, туманларга бориб, жойлардаги ижобий ўзгаришлардан катта таассурот олганим, жумладан, маҳалламиздаги мен учун қадрдон бўлган 13-мактабга янги, замонавий бино қурилиши бошланганлиги хотирамда қаттиқ муҳрланиб қолди.

Янги — 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши янада қувонарли ҳол бўлди. Қишлоқларни ободонлаштириш, экинчилар, чорвадорлар турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилажак тадбирларда болалар манфаати ҳам, албатта, ўз ифодасини топишига, ҳатто энг чекка ҳудудлардаги билим масканларини тўлиқ компьютерлаштириш, кутубхоналарда лотин алифбосидаги бадиий китоблар тақчиллигини барта- раф этиш, спорт иншоотларини кўпайтириш каби ўта зарур ишлар авж олди- рилишига шак-шубҳа йўқ.



— 2008 ЙИЛДА НИМАЛАР ЁДИНГИЗДА ҚОЛДИ?

Абдулла ТАНГРИЕВ, дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси совриндори, «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби:

— Якунига етган йил мен учун жуда омадли бўлди. Пекинда ўтган 29-ёзги Олимпиада ўйинлари ва Германияда ташкил этилган жаҳон кубогида кумуш, Жанубий Корея мезбон- лик қилган Осиё чемпионатида эса олтин медалларни кўлга киритдим.

Олимпиада ўйинларидан қайтганимдан сўнг Президентимиз қабул қилиб, «Бўш келманглр, азиз фарзандларим, эртанги кун бизники, марра бизники» деган сўзларини эшитганимда шу қадар таъсирландимки, руҳим янада кўтари-

либ, кучимга-куч қўшилгандек бўлди гўё. Албатта, эришайтган муваффақиятлари- мизнинг барчаси Юртбошимизнинг биз- га оталарча меҳри, ғамхўрлиги, спортга кўрсатаётган эътибори самараси, деб биламан. Қолаверса, ҳамюртларимиз- нинг доимо қўллаб-қувватлаб туриш- лари ҳам бизга мадад бўлмоқда.

2009 йилда бўладиган мусобақалар ҳам жуда муҳим. Ишонтириб айтаманки, ўзбекистонлик дзюдочилар бу гал ҳам бўш келишмайди. Байрогимиз бундан- да баландроққа кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги йил бар- чамиз учун муваффақият келтирсин, спортчиларимиз факат олтин медаллар соҳибига айланишсин, дейман.



Қаерда қандай?

нишонлашади

Бирма ва Таиланд мамлакатларида Янги йил айна жазирама иссиқ кўнларга тўри келади. Шу боис маз- кур давлатларда одамларнинг бир-бирига сув сепиши анъанага айланган. Улар шу йўл билан ёр-бирдорлар- рига яхши тилаклар билдиришади.

Грецияда байрам куни меҳмондор- чилка борган киши ўзи билан тош олиб келиб уни мезбоннинг оstonаси- га улоқтириши одатга айланган. Агар келтирилган тош катта бўлса, уй со- ҳибининг бойлиги шу тошдек кўп бўлиши, деган маънони англатади. Ма- бодо тош кичик бўлса, бу мезбоннинг ёмон куну шу тош сингари бўлиши де- ганидир.

Хиндистонда ушбу айём турлича кутиб олинади. Мамлакат шимолида истиқомат қилувчилар ҳар хил рангларга бўяниб олиш- са, марказий ҳудудларда яшовчилар уйла- рини апельсин рангидagi байроқлар бил- лан безашади. Мамлакатнинг ғарбий қис- мидаги аҳоли эса томларининг устига гул- ханлар ёқиб қўйишади. Байрам куни оила- ларда турли ширинликлар тайёр- лаш анъана тусини олган.


Италияда эса Янги йил куни мамлакат фуқаролари уйларидagi эски-туски нарсаларни кўчага улоқтиришади. Агар эски буюмлар бўлмаса, ҳатто янги-нрсани ҳам баҳ- ридан ўттириши ҳеч гап эмас. Бу уларга бахт олиб келармиши.

Хитойликлар эса бу байрамни январь ойининг охири ва февралнинг бошида ни- шонлашади. Улар кўларига чироқ олиб, кўчалар бўйлаб юришади. Хитойликларнинг фикрича, шундай қилинса кириб келаётган йил ёруғ бўларкан.

Руминияда Янги йил оқишми учун пиширилдиган ширинликлар ичига танга, узук, сирга каби тақинчоқлар ва аччиқ қалампир бўлаги солинади. Кимнинг ширинлигидан узук чиқса, Янги йил унга кўп қувончли дамлар олиб келади. Қалампир бўлаги чиқса ҳам хафа бўлмаслик керак. Чунки апроф- дадилар ўша кишининг кўнлини кўта- ришади, хурсанд қилишади.

Швецияда Янги йил куни қўшинлар- нинг эшиги олдида идиш-товоқлар синдириш ўдум- га айланган.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.



Нихоясига етган 2008 йил дунё илм-фани ривож учун ҳам ўзига хос давр бўлди. Олимларнинг сай- ҳаракати билан турли кашфиётлар, кўплаб ихтиролар қилинди. Айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири гароиблиги, аҳамиятлилиги билан киши эътиборини тортади.

Сехрли дунё

Бразилия ҳамда Перу чегарасида- ги Амазония чан- галзорларида ханузгача маълум бўлмаган ибтидо- ий одамлар мако- ни аниқланди. Бу воқеа дунё омма- вий ахборот воси- таларида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Антарктидада балиқчилар сув остида ҳаёт кечирувчи баҳайбат махлуқни тутиб олишди. Ушбу гаройиб жониворнинг узунлиги нақд 8 метр, оғирлиги эса қарийб ярим тоннага тенг экан. Уни ўрганиш ишлари олиб борил- моқда.

Япония соҳиллари яқинида учар балиқлар- нинг энг узок парвози тасвирга туширилди. Ушбу ноёб сувости жониворлари 45 сония учиб, йўловчи кемаси билан ёнма-ён боришди.

Бразилияда бундан тахминан 62 миллион йил муқаддам яша- ган тимсоҳнинг суяк қолдиқлари асосида унинг ташқи кўриниши тикланди. Бу эса тим- соҳлар динозаврлар давридан буён яшаб келаяпти, деган хулосани келтириб чиқарди.

Ямал яриморолидан топилган мамонт бо- ласининг ички органлари компьютер ёрда- мида текширилиб, ушбу қадимий жонивор- ларнинг тўлиқ генетик картаси яратилди.

Индонезия чангалзорларида яширин камера ёрда- мида ҳозирда ер юзиди жуда кам сақланиб қолган Еван каркидоннинг тасвири туширил- ди. Маҳаллий кўриқоналардан би- рида сақланётган бу турдаги жон- иворларнинг умумий сони 60 тадан ошмайди.

Перуда қадимги инк- ларнинг афсонавий шаҳ- ри топилган кўринади. Дастлабки тахминларга кўра, унинг ҳудудиди ол- тин ва бошқа қимматбаҳо бу- юмлар бўлиши мумкин. Чунки археологлар илк қазишма ишлари натижасида бу ерда кўплаб ер ости бойликлари, турли маро- симлар ўтказиладиган махсус жойлар ва минораларга дуч келишган.

Индонезиянинг Барнео оролида топилган қурбақа ўпкисиз яшай олиши билан кўпчиликини ҳайратга сол- ди. Мутахассисларнинг фикрича, кислород қурбақа орга- низмига бевосита унинг териси орқали кираркан.

Аргентинада 85 миллион ёшга тенг бўлган динозавр ўрганилганда, унинг нафас олиш тизими ҳозирги қушларнинг нафас олиш тизими билан бир хил экани маълум бўлди.

Бундан икки ой муқаддам мисрлик олимлар Қоҳира шаҳридан жануб томонда жойлашган пирамида қол- диқларини қиролчи Сеше- шетнинг қабри, деган хуло- сага келишди. У Миср ҳукм- долларининг олтинчи суло- ласига асос солган буюк фиръавн Тети биринчининг онаси ҳисобланади.

Абдусамед ФАЙЗИЕВ.



Равшан ЭРМАТОВ,

ФИФА рефери, 2008 йилда Осиёнинг энг яхши ҳаками:

— ОФК раҳбарияти томонидан 2008 йилда Осиёнинг энг яхши ҳаками, ўзбекистонлик журналистлар ўртасида ўтказилган сўровномада эса йилнинг энг яхши ҳаками номинация қолиб қолганидан жуда хурсанд бўлдим. Қолаверса, яқинда Японияда ташкил этилган клублар ўртасидаги жаҳон чемпио- нати финал ўйини бошқариш менга насиб этди.

Умуман, якунига етган йилда футболчиларимиз анча мазмунли ўйин намойиш этишди. «Бунёдкор» клуби Осиё чемпионлар лигаси ярим финалига етиб борган бўлса, ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионатида муваффақиятли катнашиб, 2009 йил Мисрда бўладиган жаҳон чемпионати йўланмасини кўлга киритдилар. Бу муваффақиятлар шу юртининг оддий бир вакили сифатида мени ҳам гурурланти- ради.

Қайси вилоятга бормай, футбол ишқибозлари мени ҳурмат билан кутиб олиша- ди. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни ўзбек футболини янада ривожланти- ришга бағишлайман.

Ниятим, 2009 йил ҳам спортчиларимиз учун омадли келсин.

Шахматчилар баҳси

Навоий кон-металлургия комби- нати спорт мажмуасида Янги йил байрамига бағишлаб шах- мат мусобақаси ўтказилди.

Унда ўттиз икки нафар шахматчи қолиб қолган учун дона сурдилар. Якунда Навоий шаҳридаги 1-гидрометаллур- гия корхонаси ишчиси, спорт устаси Н. Уралов 7 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар хатирчи- лик ака-ука Илҳом ва Собир Ҳайда- ровларга насиб этди. Тезкор шах- матда Р. Умарова тенг келадиган то- пилмади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



— Чиройли-я!..

Темур ҚУРБОНБОВ сурат-лаҳзаси.

Табассумга мойил гаплар

Миришкор

- Юртимизда энг миришкор, ишнинг кўзини биладиганлар ким?
— Олтиариқликлар! Олтиариқликнинг боласи эммаклаши ўрганиши билан бодринг экилган плёнка тагига кириб кетади-да, нариёқдан машина миниб чиқади!

Эзма

- Тинчликми, қўшни? Кеча кечаси уйингизда жиндай шовқин-сурон бўлдимми?
— Тинчлик, ҳаммаси жойида.
— Кенной қаттиқ-қаттиқ гапиргандек бўлдилар, шекилли?
— Ҳа, энди арзимаган жанжал-да...
— Бир нарсга гўмбирлаб кетди-ку!
— Кеннойинг аччиқ устида деразадан чопонимни улоқтириб юборди.
— Қизик, чопон деганим шунақа гур- силлайдими?
— Жудаям эзма экансиз-да! Чопон ичида ўзим бор эдим, кутулдимми энди!

Мезбон, дастурхондаги «қуруқ мева»ларни олма- хондек илдамлик билан «шипириб ташлаётган» меҳ- монга зимдан раз солиб туриб, илтифот қилди: — Марҳамат қилсинлар, меҳмон, марҳамат қилсин- лар! Манави «чақ-чўқ»лардан жиндай-жиндай тановул қилиб ўтирсинлар...

Меҳмондорчилик

- Раҳмат, — деди меҳмон «юмуши»ни бамайлиқотир давом эттириб. — Отам раҳматли ўлар чоғида менга васият қилганлар. «Меҳмонга борсанг, ўнта шўрданак, ўн бўлақина бурама ҳолва тановул қилмасанг, мезбон хафа бўлади», деганлар...
— Ҳай-хай-хай! Отангиз кў-ў-ўп донишманд бўлган эканлар-да! Мабодо шуна нарсани бир йўла тановул айлаш одамни жиндай беором қилади, демаганимлар?
— Айтганлар! «Шунча неъматни тановул этиш оғир- лик қилса ёки шовиб турган бўлсанг, мевалардан тўртта- тўрттадан егин-да, қолганини чўнтагинга солиб қўй, бўлмаса, мезбон хафа бўлади», деганлар.
— Э, баракалла, меҳмон, баракалла! Марҳамат, ола- версинлар! Сўраганинг айби йўқ, мабодо отангизнинг олдига шовиб турганингиз йўқми?

Ўғдабурро

- Менинг ўғлим шунақа ўддабур- роки, тегирмонга тушса, бутун чиқа- ди!
— Меники тегирмонга тушса бир қоғ он орқалаб чиқади!

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 5 январь, душанба куни чиқади.

Кувё: — Эсингиздами, дада, тўй олдидан «қизимга уйлан- чаликка ўхшамайди, шекилли. Қизингиз инжиқлик қилаве- риб жонимдан тўйдириб юборди-ку, дадажон!

«Ҳамдардлар»

Қайнота: — Ундай бўлса, хайкални бошлайверинг, ўғлим. Сиз кизимнинг инжиқлигига бир йил базур чидабсиз. Мен бунинг онасининг зулмига қирқ йилдан бери чидаб кела- ялман.

«Мухлис»

- Бозорга кирдим. Олма олмақчи эдим.
— Икки минг сўм, домла. Сизга икки минг сўм — деди сотувчи йигит шанғиллаб.
— Бошқаларга-чи? — десам.
— Бошқаларга бир ярим минг, — деди.
Хайрон бўлдим.
— Нечук бизга бунча меҳрибонлик?
— Сизники таваруқ-да, домла! — деди иккинчи. — Уйдагиларга мак- танаман. Яхши кўрган ёзувчим бир ярим минг сўмлик олмани икки минг- дан олдилар дейман.
— Шунчами? — дедим қулиб. — Бўпти, икки кило тортинг!
Сотувчи икки кило олмани танлаб-танлаб олим халтага солиб берди. Қўлига икки минг сўм берган эдим, хайрон бўлдим.
— Кам-ку, домла?
— Мен ҳам уйдагиларга мактанаман. Бозорда яхши муҳлисим бор экан, бир ярим минг сўмлик ол- мани менга минг сўмдан сотди, дейман.
— Домлажон... — бу сафар сотувчининг овози ялнинброқ чикди. — Келинг, ўз катори бўлақолсин, яна минг қўшсангиз, раҷчўт бўламиз...

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50430 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ГАЗЕТА тахририят компьютер марказида териялд ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.З.А якуни — 20.30. Топширилди — 24.00